

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги**
Наманган муҳандислик - технология институти

**«Енгил саноат маҳсулотларини конструкциялаш ва
технологияси» кафедраси**

«Тикув буюмларини технологияси» фанидан

Курс лойихаси

Бажарувчи: **МТБТ-12 гурӯх талабаси**

м. Ғоипова

қабул қилувчи: **Н.Набиджонава**

Кафедра мудири: **Ж.Эргашев**

Мундарижа.

1. Кириш
2. Модел танлаш ва уни асослаш
3. Танланган моделни тикиш технологик кетма - кетлиги.....
4. Тикув цехининг юзасини ҳисоблаш
5. Хулоса.....
6. Фойдаланган адабиётлар
7. Интернет маълумотлари

КИРИШ

Ўтган давр мобайнида, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида енгиб ўтишортилизга туғри келган улкан қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистан иқтисодиёти 20 йил давомида қарийб 3,4 баробар, ялпи ички мҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсганини, бу даврда мамлакатимиз аҳолиси 8 миллион 244 минг кишига кўпайиб, ҳозирги кунда 28,5 миллион нафарни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижка-ларга эришганимизни, чиндан ҳам тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Аҳолининг ялли даромадлари амалдаги хисоб-китоблар бўйича 8,6 марта ошди. Айни пайтда бу кўрсаткичнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардир.

Таъкидлаш жоизки, қурилаётган чора-тадбирлар туфайли ўртача даромадга эга бўлган аҳолининг улуши ўсиб бормокда. Экспертлар томонидан билдирилган хулюсаларга кўра, ўртача даражадаги барқарор пул даромадларига эга бўлган уй хўжаликларининг улуши 2010 йил якунлари бўйича 60 фоизни ташкил этган. Холбуки, 1990 йилда бу кўрсаткич 18 фоиздан иборат эди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз аҳолиси даромадларида ўта кескин фарқ бўлишига йўл кўймаслик борасида изчил иш олиб борилмокда.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1997-2003 йиллар давомида йилиига 3,8-5,2 фоиз усиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишчан мухит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнла-рининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7-9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларига ошди.

Қулай ишчан мухитнинг яратилиши, инвестициялар оқи-мининг кучайиши нафакат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибida мухим сифат ўзгаришларининг юз беришини ҳам таъминлади. Хусусан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган.

**Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши,
фоиз (1990=100 фоиз)**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Саноат – жами	100	123,6	3,0 марта
Ёқилғи саноати	100	127,3	2,2 марта
Қора металлургия	100	58,8	1,5 марта
Рангли металлургия	100	107,4	113,4
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	97,5	2,9 марта
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	100	142,2	11,6 марта
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	100	2,5 марта	13,4 марта
Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	1,3 марта
Енгил саноат	100	159,2	3,8 марта
Озиқ-овқат саноати	100	150	5,7 марта
Бошқа соҳалар	100	162,6	5,4 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

1990 йили республикамида ноозик-овқат маҳсулотларининг истеъмол бозорида ўта тақчиллик вужудга келди. Аҳолининг сифатли кийим-бош, пойафзал, узок, муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни ҳарид қилиш имкониятлари чекланган эди, Одамларга мебель, глам, музлатгич, телевизор ва енгил автомобилларни сотиш кўпинча корхоналар орқали олдиндан тузилган рўйхатлар асосида амалга оширилар, бундай товарларни ҳарид қилиш учун эса бир неча йиллаб навбат кутишга тўғри келар эди. Барча турдаги ноозик-овқат маҳсулотларининг қарийб 88 фоизи чакана савдо тармоқларида катта узилишлар билан сотиларди.

**Асосий енгил саноат маҳсулотларининг
аҳоли томонидан истеъмол қилиниши,
аҳоли жон бошига**

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Матолар, жами (метр)	7,1	5,6	9,7	10,0
шу жумладан,				
пахта толасидан тайёрганган газламалар (метр)	2,2	2,2	2,9	3,0
жун газлама (метр)	0,3	0,3	0,7	0,8
зигир толасидан тўқилган матолар, шойи, ипак газламалар (метр)	1,8	3,2	4,6	4,7
аралаш матолар (метр)	0,7	—	1,5	1,5
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0,6	1,1	2,5	2,6
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0,9	1,6	3,5	3,6
Чарм пояфзал (жуфт)	1,6	3,2	3,4	3,5
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3,7	6,0	6,7	6,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида йирик корхоналарда қиймати 104,1 миллион долларлик 1721 яроқсиз, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналар алмаштирилди. Йирик саноат корхоналарида энергия ва ресурс тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, технологик жараёнлар, хом ашё ва материалларни сарфлаш нормаларини оқилона ташкил этиш, йўқотишлар ҳамда ноишлаб чиқариш харажатларини бартараф этиш ҳисобидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртacha 10,4 фоизга камайтиришга эришилди.

2. Модел танлаш ва уни асослаш

Тикувчилик саноати аҳолини сифатли ва бежирим кийим – кечаклар билан таъминлаши лозим. Кийим – кечак инсон учун энг зарур нарсалардан бири ҳисобланади, шунинг учун ҳам унга қўйиладиган талаблар борган сари ошиб боради. Кийимга қўйиладиган барча талабларни гигеник, техник, эстетик ва иқтисодий талабларга бўлиш мумкин.

Гигеник талаблар – инсоннинг соғлигини сақлашга қаратилган талаблар. Кийимнинг асосий гигеник кўрсаткичлари – ҳаво ўтказувчанлик, гигроскопиклик, иссиқдан ҳимоя қилиш хоссалари, кирчиллик, қулайлик, сув ўтказмаслик ва ҳоказо. Гигеник талаблар буюмнинг нимага мўлжалланганлигига боғлиқ. Ички кийим ва ёзлик кийимларнинг ҳаво ўтказувчанлиги ва гигроскопиклиги яхши, қулай, осон ювиладиган бўлиши керак. Қишлик кийимлар иссиқ бўлиши, плашлар сув ўтказмаслиги керак.

Техник талаблар – тикувчилик материалларининг сифатига ва кийимлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Тикувчилик материаллари ва тайёртикувчилик буюмлари истемочилар талабларини қаноатлантириши лозим. Кийим пишиқ, эскиришга, ювиш ва химиявий тозалашга чидамли бўлиши керак.

Эстетик талаблар мода билин боғлиқ. Ҳар қандай кийим пишиқ ва қулай бўлишдан ташқари, бежирим ҳам бўлиши лозим.

Иқтисодий талаблар кийимнинг нархи билан боғлиқ. Кийим маълум техник, гигеник, эстетик талабларга жавоб бериши айни вақтда арzon бўлиши керак [малцева 5].

Шу билан бирга саноат шароитида кийим лойиҳалашда унга қўйиладиган муайян талаблар ҳисобга олинади [2].

Бу талабларга қўйидаги кўрсаткичлар киради:

Ижтимоий кўрсаткичлар - буюмнинг ишлаб чиқариш ва сотишга мувофиқлигини билдирадиган оммавий эҳтиёжларга характерлидир. Шу боис, иқтисодий-ижтимоий талаблар кийим лойиҳалаштиришдан аввал техник топшириқ тузиш босқичида ҳисобга олинади.

Функционал кўрсаткичлар- кийим асосий вазифасига, истемолчининг ташқи кўринишига ва унинг психологик ҳусусиятларига мослигини билдиради. Буюмни

барча ҳоссалари унинг вазифасига боғлиқ ҳолда танланса, буюм инсоннинг эҳтиёжини қондира олади.

Эрганомик кўрсаткичлар- буюмнинг инсонга мослашганлик даражасини бажаради. Эрганомика (ЭРГО- меҳнат, НОМОК- қонун) фаолият ва атроф муҳитнинг ўзаро боғланиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Эксплуатацион кўрсаткичлар- қатор саноат маҳсулотлари каби кийимга ҳам муҳим эксплуатацион кўрсатгич бўлган “ишончлилик” ҳосдир [3].

Трикотаж буюмларини конструкциялаш ва моделлаштириш жараёнида чўзилувчанлик, киришувчанлик, қайишқоқлик каби хусусиятлар эътиборга олинади. Болалар спорт кийимларини конструкциялашда матонинг хусусиятларини инобатга олгандагина трикотаж буюм талабга жавоб беради.

Чўзилувчанлик – трикотаж матонинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, конструкциялашда буни эътиборга олиш зарур. Кучли таъсир остида трикотаж мато чўзилади ва деформатцияланади, лекин тасирдан ўтгандан сўнг у қисман ёки тўлиқ ўз шаклини тиклайди.

Трикотаж буюмларини лойиҳалашда матонинг кенглигини ҳам инобатга олиш зарур. Матолар кенглигининг турли хиллиги ҳам конструкциялашда қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун матонинг кенглигига мослаштириб бир хилдаги буюмлар учун айрим деталлар бир неча хилда конструкциялаштирилади.

Четларини буралиши трикотаж матоларининг салбий хусусиятларидан биридир. Матонинг буралиш даражаси толанинг турига, ўрилиш ва тўқилиш зичлигига боғлиқ. Бундай трикотаж буюмларини конструкциялашда деталлар сонининг камлиги ва улар шакилларининг оддийлигига эришиш зарур.

Буюмларни конструкциялаш жараёнининг моҳияти, ўлчовларни ва буюм деталларининг шаклини аниқлаб ҳамда уларни бир текисликда ёйиб жойлаштиришни белгилайди.

Бу вазифани амалга ошириш учун буюмнинг мураккаб шаклини алохида қисмларга бўлиб жойлаштириш керак.

Янги моделларни ишлаб чиқиш учун трик гавдага мўлжалланган кийим деталлари, чок ҳақлари, витачкаларининг жойлашиши, буюмни гавдага мос

тушиши, гавда тузилиши, матоннинг хусусиятлари ва сифати эътиборга олиниши керак.

Кийим деталларини конструкциялашнинг асосий вазифаларидан бири текис матодан муфассал шакл яратишдир. Буюмни керакли шаклда яратишда гавда шакли ва ўлчамларига мос келадиган қисмларни бичиш ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Буюмни керакли шакилда яратишнинг яна муҳим тарафларидан бири бу матони тикиш пайтида унинг киришишини эътиборга олишдир.


Болалар спорт кийимларини ишлаб чиқаришда чўзилучанлиги, қайишқоқлиги, киришувчанлиги юқори бўлган трикотаж тўқималарини хусусиятларини инобатга олган холда конструкциялашни тавсия этиш.

Трикотаж матонинг қалинлиги буюм конструкциясига таъсир этади. Трикотаж спорт кийимлари учун матони қалинлиги 3мм дан ортиқ бўлганда конструкциялашда тикиш ҳаққи қалинлигидан келиб чиқсан ҳолда қўйилади, акс холда буюм кенглиги бўйича тораяди.

1-модел кўриниши



б) Футболка (олд ва орқа кўриниши)




в) Спорт кийими шортиги (олд ва орқа кўриниши)

2- модел кўриниши



б) Футболка (олд ва орқа кўриниши)




в) Спорт кийими шортиги (олд ва орқа кўриниши)

3-модел кўриниши



б) Футболка (олд ва орқа кўриниши)



в) Спорт кийими шортиги (олд ва орқа кўриниши)

Футболкани технологик кетма-кетлиги

T/p	Операциялар номи	Ихтисос лиги	Сарфланг ан вақт	Асбоб- ускуналар	Юза, м ²

1.	Бичиқларни қабул қилиш, текшириш ва патокга ишга қўйиш	Қ	10	Кўлда	0,6
2.	Олд ва ўрта бўлак юқори чок қисмига Ўзбекситон республикаси герби расми туширилади	Мм	20		0,7
3.	Футболка чап енгига Ўзбекситон республикаси байроғи расми туширилади	Мм	20		0,7
4.	Футболка ўнг енгини бириктириб тикиш ва йўрмаш	мм	30	PFAF F 1181-8	0,7
5.	Бириктирма чокни дазмоллаш	Д	20	TAR FL-260	0,8
6.	Олд бўлак юқори қисми ва футболка паст қисми ўрта бўлаги билан бириктириб тикиш ва йўрмаш	Мм	30	PFAFF 1181-8	0,7
7.	Футболка чокларини дазмоллаш	Д	20	TAR FL-260	0,8
8.	Футболка олд бўлагини бириктирма чокини бостириб тикиш	М	30	PFAFF 1181-8	0,7
9.	Бостирма чокни дазмоллаш	Д	15		0,8
10.	Орт бўлак юқори қисми ва футболка паст қисми ўрта бўлаги билан бириктириб тикиш ва йўрмаш	Мм	30	PFAFF 1181-8	0,7
11.	Футболка чокларини дазмоллаш	д	20	TAR FL-260	0,8
12.	Футболка орт бўлагини бириктирма чокини бостириб тикиш	м	35	PFAFF 1181-8	0,7
13.	Енг учи резина бека қўйиб бириктириб тикиш ва йўрмаш	мм	25	PFAFF 1181-8	0,7
14.	Енг учи бейкасини дазмоллаш	д	15	TAR FL-260	0,7
15.	Енг учи бейкасини бостириб тикиш	м	25	PFAFF 1181-8	0,7
16.	Енгни дазмоллаш	д	20	TAR FL-260	0,8
17.	Олд ёқа ўмизига бекани қўйиб бириктириб тикиш ва йўрмаш	мм	25	PFAFF 1181-8	0,7
18.	Ўмизни дазмоллаш	д	15	TAR FL-260	0,8
19.	Елка чокини орқа ёқа ўмизи билан бириктириб тикиш	мм	25	PFAFF 1181-8	0,7
20.	Бириктирма чокни дазмоллаш	д	15	TAR FL-260	0,8
21.	Енг ўмизига енгни бириктириб тикиш ва йўрмаш	мм	30	PFAFF 1181-8	0,7
22.	Бириктирма чокни дазмоллаш	Д	10	TAR FL-260	0,8
23.	Футболка енг учидан ён бўлаги этаккача бириктириб тикиш ва йўрмаш	Мм	25	PFAFF 1181-8	0,7
24.	Бириктирма чокни дазмоллаш	Д	10	TAR FL-	0,8

				260	
25.	Футболка этагини бостириб тикиш ва йўрмаш	Мм	15	PFAFF 1181-8	0,7
26.	Биритирма чокни дазмоллаш	Д	10	TAR FL-260	0,8
27.	Иплардан тозалаш	Қ	10		0,6
28.	Қадоқлаш	Қ	15		0,6
29.	Жами		570		

Шортикли технологик кетма-кетлиги

Технология асосида фаолият турлари	Ихтисослиги	Вақт сарфи	Тавсия этиладиган мослама ва ускуналар	Юза, м ²
------------------------------------	-------------	------------	--	---------------------

Олд бўлакка ишлов бериш

1.1. Олд бўлак қирқимларини йўрмалаш	Мм	10	PFAFF 1181-8	0,7
1.2. Олд бўлак ўрта чизигини чиқариб дазмоллаш	Д	15	TAR FL-260	0,8

Орт бўлакка ишлов бериш

2.1. Орт бўлак қирқимларини йўрмалаш.	Мм	25	PFAFF 1181-8	0,7
2.2. Орт бўлакка намлаб иситиб ишлов бериш	Д	10	TAR FL-260	0,8

Шортик этагига ишлов бериш

3.1. Шортик этагига планка тикиш	М	35	PFAFF 1181-8	0,7
3.2. Шортик планкасини дазмоллаш	Д	10	TAR FL-260	0,8
3.3. Шортик планкасига безак баҳяқатор юритиш.	Мм	25	PFAFF 1181-8	0,7

Ён қирқимларига ишлов бериш

4.1. Ён қирқимларини бириктириб тикиш.	М	40	PFAFF 1181-8	0,7
4.2. Ён қирқимларни дазмоллаш	Д	20	TAR FL-260	0,8

Одим қирқимларига ишлов бериш

5.1. Одим қирқимларини бириктириб кўклаш	Қ	25	Игна, ип	0,6
5.2. Одим қирқимларни бириктириб тикиш	М	20	PFAFF 1181-8	0,6

Шортик ўрта оғ қирқимларига ишлов бериш

6.1. Шортик бўлакларининг ўрта оғ қирқимларини бириктириб кўклаш.	Қ	30	Игна, ип	0,6
6.2. Шортик ўрта оғ қирқимларини бириктириб тикиш	М	25	PFAFF 1181-8	0,7
6.3. Шортик ўрта оғ қирқимини	Д	15	TAR FL-260	0,8

дазмоллаш				
6.4. Шортик олд ўрта қиркимда безак тақилма баҳяқаторини юритиш.	Мм	20	PFAFF 1181-8	0,7
Шортикнинг юқори қиркимига ишлов бериш				
7.1. Белбоғ ён томонини бириктириб тикиш	М	35	PFAFF 1181-8	0,7
7.2. Белбоғ ён томон чокининг орасини ёриб дазмоллаш	Д	25	TAR FL-260	0,8
7.3. Белбоғ ўртасидан баҳяқатор юритиш.	М	20	PFAFF 1181-8	0,7
7.4. Белбоғни шортикга кўклиш	Қ	30	Игна, ип	0,6
7.5. Белбоғни шортикга бириктириб тикиш	М	25	PFAFF 1181-8	0,7
7.6. Шортик белбоғини дазмоллаш	Д	15	TAR FL-260	0,8
7.7. Шортик белбоғини йўрмалаш	Мм	25	PFAFF 1181-8	0,7

Шортикка сўнги НИИ бериш

8.1. Шортикни пардозлаш	Қ	20	Қайчи	0,6
8.2. Тайёр шортикга сўнги НИИ бериш	Д	25	PFAFF 1181-8	0,8
Жами		500		

4. Тикув буюмларини ишлаб чиқарадиган технологик жараённи лойихалаш босқичлари

Тикув буюмларни ишлаб чиқарадиган технологик жараённи лойихалаш қуйидаги босқичлар бўйича олиб борилади:

1- боқич. Дастребки маълумотларнн йиғиши, таҳлил қилиш ва техник топшириқларни ишлаб чикиш.

0, модел танлаш ва асослаш:

1, танланган буюм моделига газлама танлаш ва асослаш:

2, танланган буюмни тикиш учун асбоб-ускуна ва тикиш усулларини танлаш:

3, тикиш усули асосида буюм тикиш технологик тартибини тузиш:

4, танланган буюм моделини ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш оқимини танлаш.

2-босқич. Тикув цехини лойихалаш учун технологик ҳисоблаш ишларини бажариш:

5, ишлаб чиқариш оқимини параметрларини ҳисоблаш:

- 6, ишлаб чиқариш оқимини технологик схемасини тузиш;
- 7, технологик схемани таҳлил қилиш;
- 8, ишлаб чиқариш оқимини техник иктисоднй кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- 9, ишлаб чиқариш оқимида иш ўринларинн жойлаштириш ва цех планнин тузиш;
- 10, тикув цехида қўшимча ассортиментни ишлаб чиқаришни ҳисоблаш.

Технологик оқимни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотларни йиғишиш ва таҳлил ҳилиши босқичида кунидаги ишлар бажарилади:

- 11, ишлаб чиқилаётган объектни таснифи ва оқимнинг кўрсаткичлари билан танишиш;
- 12, ишлаб чиқариш шароитлари билан танишиш ва уларни баҳолаш;
- 13, технологик оқимни ишлаб чиқиш учун керакли қўшимча маълумотларни йиғишиш.

Тикув цехини лойиҳалаш учун топшириқ ўз ичига кунидагиларни олди:
оқимда ишлаб чиқариладиган буюмни номи; ишлаб чиқариш оқимииинг қуввати ёки оқимдаги ишчилар сони:

- 14, кўп моделли оқим учун моделларни ишлаб чиқариш нисбати;
- 15, оқим эгалайдиган сатҳ;
- 16, тикилидган буюм учун технологик операциялар тартиби:
 - технологик жараён кетма-кетлиги

5. Тикув бўлимидаги технологик жараёнларни лойиҳалаш

Тикувчилик ишлаб чиқариш жараёниннинг энг замонавий шакли поток усули бўлиб, бунда ишлаб чиқариш узлуксиз ва бир меъёрда бўлиши учун, янги техникадан фойдаланиш учун шароит вужудга келади.

Кийим тикишнинг технологик жараёни бир неча операциялардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири давом этиш вақти жиҳатидан потокнинг teng ёки унга қолдиқсиз бўлинадиган бўлади ва муайян иш жойида бажарилади. Тикиб

бўлинган деталлар операциялардан операцияга биттадан, тўғри чизиқ бўйлаб ўта боради. Бу потоклар тўғри чизиқ принципида қурилган ҳисобланади. Деталларнинг операцияси операцияга ўтиш усулига қараб потоклар конвейерсиз ёки механик транспортерли конвейер ёрдамида ишлайдиган бўлади. Конвейерли потоклар, яъни қатъий ритмли потоклар катта ва ўртача қувватли ишлаб чиқариш участкаларида ишлатилади. Қуввати кам участкаларда эса конвейерсиз потоклар ишлатилади.

Транспортёрларнинг қўшилишига қараб потоклар куйидаги турларга бўлинади:

1. Бир чизиқли, бунда транспортёр битта чизиқ бўйлаб қурилган бўлади.
2. Кўп чизиқли, бунда транспортёр бир-бирига паралелл бир неча чизик бўйлаб қурилган бўлади.
3. Секцияли поток, бунда поток бир неча қисмдан (секциялардан) иборат бўлиб, унда нечта секция бўлса, шунча транспортёр бўлади.

Бир вактда тикилаётган кийим турлари ва фасонларига қараб потоклар бир фасонли ва кўп фасонли ва бир турли, кўп турли бўлиши мумкин. Поток кўп фасонли ва кўп секцияли бўлса, унда бир вактнинг ўзида бир эмас, бир неча тур, масалан болалар футболкаси ва шортиги ва ҳоказо кийимларнинг бир қанча (10 ва ундан ортиқ) фасонни тикиш мумкин бўлади. Секцияли потокларнинг фарқи шундаки, уларда кийим тикиш жараёни бир неча мустақил ишлаб чиқариш участкаларига (секцияларига) бўлинган бўлиб, улар кийимнинг айrim деталларини ва узелларини тикишга ихтисослашган бўлади. Потокнинг қуввати ва тикиладиган кийим турларига қараб потоклар икки – тўрт секциядан иборат бўлиб, поток қатори бўлиши мумкин.

Бундай потокларда нечта секция бўлса, уларнинг ҳар бири муайян операцияларни бажаришга мосланган бўлади.

Масалан, учта секциядан иборат потокда устки кийим тикадиган бўлса, биринчи секцияда чўнтак қопқоқ, листочка, ёқа, енг, орт бўлак, борт қотирмаси кабилар тикилади. Иккинчи секцияда ана шу тикилган детал ва узелларни кийимнинг асосий деталларига уланади. Учинчи секцияда эса кийимга астар кўйилади ва унга узил–кесил намлаб- иситиб ишлов ва пардоз берилади. Тўртта

секциядан иборат потокда уст кийим тикиладиган бўлса, 1-секцияда майдадетталлар тикиб олинади. 2-секцияда кийимнинг айрим узеллари тикилади. 3-секцияда кийимга енг ўтқазилади, астар қўйилади. 4-секцияда эса кийим узилкесил намлаб–иситиб ишланади ва пардозланади.

Қандай детал тикилаётгани ва тикиш қанча давом этишига қараб кўп секцияли потокнинг ҳар бир секциясида тахти белгиланади. Ҳар қайси секциянинг тахти бутун потокнинг умумий тикишга мос келадиган бўлади. Секцияли потокда кийим тикишнинг пачка тизими билан тўғри чизик бўйлаб узатилиш тизимини қўшиб олиб бориш мумкин. Поток қаторларининг нечта бўлиши бир вақтда кийимнинг неча хил фасони тикилаётганига боғлиқ.


Потокнинг бу хилдаги ташкилий формаси бир меъёрда ишлаш учун шароит яратиб беради. Фасонларнинг ўзгариши эса нисбатан кам (3-5 та) операцияларгатасир кўрсатадиган бўлгани учун, секцияли потокнинг умумий ишида айтарли ўзгаришларга сабаб бўлмайди. Секцияли потоклар ҳар хил қувватли корхоналарда қурилиши мумкин.

Маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида айрим корхоналарда йиғишириб олинадиган поток ташкил этилади. Бундай поток шундан иборатки, унда ҳар бир бригадага (сменага) маълум тур ёки маълум фасондаги кийим тикиш топширилади. Смена тугагандан кейин бригада ишчилари тугалланмаган маҳсулотни иш жойларидан йиғиб маҳсус шкафларга ёки яшикларга қўйиб кетадилар. Кейинги смена ишчилари эса ўзлари қўйиб кетган тугалланмаган маҳсулотни ўз шкафларидан олиб, тикишни давом эттирадилар.

Чизмада тасвирланган

- 1- эркаклар сарочкасини тикиш технологик оқими;
- 2-эркаклар пиджак ва шимини тикиш технологик оқими;
- 3-кийимни қадоқлаш столи;
- 4-чиқиш йўли.

Тикув бўлимида газлама ташиш аравалари йўлакчалари инобатга олинган.



Хулоса

Мен ушбу курс лойиҳасида классик услубдаги эркаклар костюмини янги моделини ишлаб чиқиш ва уни конструктив қисмини янада такомиллаштириш йўлларини изладим. Шу сабабли мен ушбу курс лойиҳасида замонавий компьютер дастурларидан АутоСАД 2010, Адобе Пҳотошоп тизимидан кенг фойдаланган ҳолда ёзdim. Ушбу дастурий таъминотлар ёрдамида курс лойиҳасини дастурларнинг янги сир-асрорларини ўрганиб чиқдим.

Технологик жараёнларни лойиҳалашда мен замонавий асбоб-ускуналардан яъни, дунёдаги етакчи ҳисобланган Германия давлатининг ПФАФФ, МАИЕР тикув машиналаридан ва Италияning РОТОНДИ пресс ва дазмолларидан фойдаландим. Ушбу фирмаларнинг асбоб-ускуналарини танлашортиқдан асосий сабаб шундаки, уларнинг асбоб-ускуналари ҳозирги жаҳон инновацияларига асосланган ҳолда яратилганлиги билан бир қаторда эксплуатацион ва иқтисодий талабларга тўлиқ жавоб бериб, маҳсулотларни сифатини кўтаради ва ишчининг меҳнат унумдорлигини оширади. Ўзидан-ўзи кўриниб турибдики, ушбу технологиялар ва ускуналар орқали яратилган маҳсулот бозорида рақобатбардош бўла олади. Танланган моделимни ҳозирги замонавий мода йўналиши, бозор талаби ва халқ эҳтиёжидан келиб чиқиб танлаб олдим. Курс лойиҳасида танланган ассортимент вақт сарф меъёри деталлар қирқимларига ишлов бериш жараёни, бичиши цехининг лойиҳаси, андозалар юзасини ҳисоблаш ва унинг жойлашмаларини ишлаб чиқдим.

1. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш- устувор мақсадимиздир”. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчиллик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Тошкент., 27.01.2010 й.
 2. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралар”. Т.: -Ўзбекистон, 2009й.
 3. X. Комилова “Тикув буюмларини конструкциялаш” Тошкент-2003
 4. Конструирование мужской и женской одежды Б.С.Сакулин
 5. Е. Коблякова и др. Лабор.прак.констр.одежду с элементами САПР.УП
 6. Тикувчилик технологияси М. Ш. Жабборова
 7. Н. Г. Аббасова “Енгил саноат махсулотлари материалшунослиги”
 8. «Тикувчилик ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича ўқув қўлланмаси (10 - китоб) Тошкент - 2004Й.
9. **Интернет маълумотлари**

[хттп://www.ротонди-укр.com](http://www.ротонди-укр.com)

[хттп://www.гоогле.ком.уз](http://www.гоогле.ком.уз)

[хттп://www.osinka.ru](http://www.osinka.ru)

Интернет маълумотлари





